



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№38 (991)

2026 йил 22 май, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Урбанизация жараёнлари жадаллашмоқда

Жорий йилнинг 18 май куни
БМТнинг Аҳоли пунктлари
бўйича дастури шафелигида
Боку шаҳри мезбонлик қилган
Бутунжаҳон урбанизация
форумининг 13-сессияси бўлиб
ўтди.

Бу галги форумнинг мавзуси – “Барча учун
уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда
ҳамжамиятлар”.

Форум кун тартибидан шаҳарларни барқа-
рор ривожлантириш, аҳолини замонавий ва
арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳи-
ти сифатини ошириш, иқлим барқарорлигини
мустаҳкамлаш, ижтимоий ва транспорт инфра-
тузилмасини ривожлантириш ҳамда уй-жойни
молиялаштириш механизмларини такомил-
лаштириш масалалари ўрин олди.

Форумда шаҳарларни барқарор ривожлан-
тириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъмин-
лаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлим
барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда уй-жой
қурилишини молиялаштириш механизмла-
рини такомиллаштириш масалалари кўриб
чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва фо-
румнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида форум-
нинг “Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор
шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар” мавзуси жадал

урбанизация шароитида бугун ҳар қачонгидан
ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини таъкид-
лади. Таҳлилларга кўра, XXI аср ўрталарига бо-
риб, сайёрамиз аҳолисининг қарийб 70 фоизи
шаҳарларда истиқомат қилади.

Давлатимиз раҳбари урбанизация жараён-
ларининг жадаллашуви ижтимоий муаммо-
ларни ҳам қучайтириб бораётганини қайд этди.
Бугун дунёда қарийб 3 миллиард инсон бирлам-
чи яшаш шароитларидан махрум, уларнинг бир
миллиарддан зиёди норасмий турар жойлар ва
харобаларда кун кечирмоқда, 300 миллиондан
ортиқ одам эса умуман бошпангага эга эмас. Иқ-
лим ўзгаришлари, таҳликали халқаро вазият ва
иқтисодий инқирозлар глобал миграциянинг
янги тўлқинларини пайдо қилиб, шаҳарлар
юкласини кўшимча равишда оширмоқда.

Президентимиз шаҳарларни барқарор ри-
вожлантириш Янги Ўзбекистон учун страте-
гик аҳамиятга эга масалалардан бири эканини
таъкидлади. Яқин 15 йил ичида мамлакатимиз
аҳолиси 38 миллиондан 50 миллион нафарга,
урбанизация даражаси эса 51 фоиздан 65 фоизга
етиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизда шаҳар
инфратузилмасини ривожлантириш ва уй-жой
қурилишини кенг қўламда ривожлантириш
дастури амалга оширилмоқда. Охириги ўн йил-
да қурилатган уй-жойларнинг йиллик сони
10 баробар ошиб, 2025 йилда 238 мингта хона-
донга етди, 2030 йилда эса бу кўрсаткич яна 1,5
баробар ошади. Аҳолини арзон уй-жой билан
таъминлаш дастурларига ҳар йили
бюджетдан қарийб 2 миллиард
доллар маблағ ажратилмоқда.



▲ Халқаро форумда “Янги Тошкент”
лойиҳаси тақдими.

Intelligent Building Expo Tashkent

Тошкент шаҳрида
“Intelligent Building Expo
Tashkent (IBE) 2026” –
ақлли бинолар, замонавий
муҳандислик тизимлари
ҳамда барқарор шаҳар
инфратузилмасига оид
илғор технологиялар ва
инновацион ечимларга
бағишланган халқаро
ихтисослаштирилган
кўргазма бўлиб ўтди.



▼ Кўргазма жараёни.



2026 йил 20-22 май кунлари “Ўзэкспомарказ”
мажмуасида ўтказилган мазкур нуфузли тад-
бирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги раҳбари Шавкат Мирзиёев ва бош-
қаласа ҳокими Шайхон Маматқўлиев раҳ-
барлигида “Янги Тошкент шаҳрини
барпо этиш дирекцияси” раҳбари Давронжон
Адилов, вазирлик масбуллари, соҳа мутахассис-
лари, шунингдек, халқаро ва маҳаллий ҳамкор
ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Хусусан, Давронжон Адилов ўз нутқида бу-
гунги кунда Янги Ўзбекистонда қурилиш ва
шаҳарсозлик соҳасини замонавий талаблар
асосида ривожлантириш, энергия самарадор-
лигини ошириш ҳамда рақамли технология-
ларни кенг жорий этиш устувор вазифалардан
бири эканини таъкидлаб, шундай деди:

– Бундай кўргазмалар илғор технологиялар
билан яқиндан танишиш, халқаро тажрибани
ўрганиш ва уни миллий амалиётга самарали
таъбиқ этиш учун муҳим мулоқот майдони вази-
фасини бажаради.

Шунингдек, тадбир маҳаллий ва хорижий
компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни кенгай-
тириш, янги инвестиция лойиҳаларини шакл-
лантириш ҳамда инновацион технологиялар-
ни миллий қурилиш бозорига жорий этишда
муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Messe Frankfurt лицензияси асосида ташкил
этилган кўргазма Intersec, ISH, Light + Intelligent
Building hamda Wire + Cable йўналишларини
бирлаштириб, HVAC тизимлари, сув техноло-
гиялари, электротехника, автоматлаштириш,
IoT ва хавфсизлик тизимларига оид замонавий
ечимларни қамраб олган.

Ўз мухбиримиз.

Энди ҳужжатларни ҳам сунъий интеллект “ўқийди”

Бугунги кунда рақамли
технологиялар барча
соҳалар қатори қурилиш
ва шаҳарсозлик тизими-
га ҳам жадал кириб келмоқда.
Хусусан, “Шаффоф қурилиш”
тизимида сунъий интеллект
асосидаги ақлли ёрдамчи
ишга туширилгани соҳадаги
муҳим янгиликлардан бири
бўлди. Энди фойдаланувчилар
shaffofai.uz платформаси
орқали 24/7 режимида тезкор
ва аниқ маълумот олиш
имкониятига эга.

Севинч КАРИМОВА,
ЎзЖОКУ талабаси.

Мазкур платформа орқали шаҳарсозлик
нормалари ва қоидалари, шунингдек, қурилиш
меъёрлари бўйича саволларга қисқа вақт ичида
жавоб олиш мумкин. Тизим фойдаланувчиларга
нафақат маълумот бериш, балки қурилиш соҳа-
сига оид ҳужжатларни таҳлил қилиш имкони-
ятини ҳам яратди. Платформада чат тарихини
юклаб олиш, қурилиш соҳасига оид қонунчилик
ҳужжатлари билан танишиш каби қулайликлар
ҳам мавжуд.

– Платформадан фойдаланиш жараёни жуда
оддий, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-ком-
муникация технологияларини ривожлантириш
Республика маркази масъули Даврон Ҳошимов.
– Фойдаланувчи shaffofai.uz манзилига кириб,
ўзига керакли хизмат турини танлайди. Смет-
та модулига лойиҳа ҳужжатлари PDF, DWG ёки
расми шаклидаги файллар юкланади. Сунъий ин-
теллект ҳажмларни автоматик ҳисоблаб, тўлиқ
сметани шакллантиради. Фасад модулида эса,
бинонинг амалдаги ҳолати билан тасдиқланган
лойиҳа ўртасидаги фарқлар аниқланади. “Шаф-



фоф Эксперт” суҳбатдоши орқали фойдаланувчи
шаҳарсозлик ва қурилиш нормаларига оид са-
воллариға норматив ҳужжатларга асосланган
жавоб олади.

Шунингдек, ҳар бир модул натижаси фойда-
ланилган ҳужжат манбалари билан бирга тақ-
дим этилади ва уларни юклаб олиш имконияти
ҳам мавжуд.
Этиборли жиҳати шундаки, виртуал ёрдам-
чи қурилишга оид ҳужжатларни таҳлил қилиб,
автоматик тарзда ҳулоса ва жавоб тайёрлайди.
Лойиҳа ва фасадни ўзгартириш билан боғлиқ
ҳужжатлар ҳам сунъий интеллект томонидан
ўрганилиб, белгиланган нормалар асосида таҳ-
лил қилинади. Бу каби рақамли ечимлар қури-
лиш соҳасида очиклик ва шаффофликни таъ-
минлаш, инсон омилини камайтириш ҳамда
вақтни тежашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



▼ Боку шаҳри мезбонлик қилган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясида Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этди.



Урбанизация жараёнлари жадаллашмоқда

➔ 1 Норасмий турар жойлар муаммосини ҳал қилиш учун 2024 йилда алоҳида қонун қабул қилиниб, 100 мингга яқин уйга ҳужжат расмийлаштириб берилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда эскирган уй-жойларни янгилаш бўйича реновация дастури амалга оширилиб, янгиланган хонадонлар улушини 15 фоиздан 60 фоизга етказиш назарда тутилган. Ушбу жараёнларни самарали бошқариш мақсадида Урбанизация миллий қўмитаси ташкил этилди. Шаҳарларнинг экологик барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Яшил макон”, “Тоza ҳаво” дастурлари доирасида

шаҳарларда яшиллик даражасини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Давлатимиз раҳбари ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳоли турмуш сифатини оширишда маҳалла институти муҳим ўрни тутишини ҳам алоҳида таъкидлади. “Янги Тошкент” мегалойиҳасига алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда “яшил”, “ақлли”, “хавфсиз”, “15 дақиқали” шаҳар тамойиллари тўлиқ ҳисобга олинган. Биринчи босқичнинг ўзига қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланган. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида бир қатор халқаро ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта шаҳарларни уйғун ривожлантириш мақсадида “мутаносиб урбанизация” тамойилларини кенг жорий этишга қақирди. Халқаро “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш ташаббуси билдирилди. Тузилма шаҳар бошқарувини рақамли трансформация қилиш соҳасида технологиялар, стандартлар ва энг яхши тажрибалар билан алмаштириш учун платформа вазифасини бажаради. Ёшлар ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини сифатли ҳамда арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2027 йилда Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишига молия ва инвестицияларни жалб этишдаги янгича ёндашувлар юзасидан халқаро форум ўтказиш таклиф қилинди. Экологик барқарор шаҳарларни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида БМТ-Хабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро муқофотини таъсис этиш ҳам яна бир муҳим ташаббус бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказишни ва унинг бош мавзусини “Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни” деб номлашни таклиф қилди. **Ўз мухбиримиз.**

Долзарб вазифалар белгиланди

“Nurashfon city” ҳудудида Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев раҳбарлигида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда иқтисодий ислохотлар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳоқимлари, вилоятнинг тегишли бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, соҳаларга масъул мутасаддилар иштирок этди. Президентимизнинг 2026 йил 5 майдаги “Тошкент вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама маркази бўлди. Хусусан, ҳудудларда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг сифати, белгиланган муддатларга риюа этилиши, янги турар-жой массивлари, ижтимоий соҳа объект-

лари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал барпо этиш масалалари танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Шунингдек, аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ҳудудларда ободонлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди. Йиғилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят раҳбари томонидан ҳар бир ҳудудда ижро интизомини кучайтириш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаев. Йиғилиш якунида соҳалар бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.



▲ Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев раҳбарлигида муҳим масалалар муҳокама қилинди.

“Ёшлар маркази” фойдаланишга топширилди

▼ Тахтакўпир туманида ёшлар маркази очилди.



Тахтакўпир тумани марказида замонавий қурилишдаги ёшлар маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Янги бинонинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси М. Атамуратов, туман ҳоқими Ж. Адилов, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар ишлари бошқармасининг бошлиғи П. Махсетаев ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Умумий 5 миллиард 321 миллион сўм маблағ асосида қурилган бинода ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказишлари учун “Book kafe”, “Zakovat” клуби, шахмат-шашка, чет тиллари ва математика фанларини ўқитиш марказлари ташкил этилган. Таъкидлаш керакки, ўтган қисқа вақт ичида Нукус шаҳри ва 11 та туманда 52,6 миллиард сўм маблағ эвазига 13 та Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда бундай марказлар ёшларнинг буш вақтларини мароқли ўтказиш, билим ва малакасини ошириш, тажриба алмаштириш майдонига айланиб бормоқда. Қувонарли жиҳати, жорий йилнинг ўзига қолган 5 та ҳудудда Амударё, Элиқалъа, Тўртқўл, Тахиятош ва Нукус туманларида ҳам Ёшлар марказлари барпо этилади. Бугунги кунда ушбу ҳудудларда ҳам қурилиш ишлари бошлаб юборилган.



Пайариқда ўзгаришлар катта

Буюк Ватандошимиз, ҳадис илми султони, мусулмон оламининг буюк алломаси Имом Исмоил ал-Бухорий мангу кўним топган туманимизнинг ўз тарихи, тақдир, тараққиёт йўли борки, бу билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Самандар ЎТАМОВ,
Пайариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бошлиғи.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилдаги Рамазон байрами арафасида табарруқ зотнинг муқаддас зиёратгоҳи қайта қурилиб, фойдаланишга топширилиши юртдошларимиз қатори, туманимиз аҳлига қатта совға бўлди. Чунки қадамжони бунёд этиш баробарида ҳудудда улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Электр энергия, газ, сув тизимлари, автомобил йўллари тартибга келтирилиб, қулай инфратузилма яратилди. Халқимиз эришилаётган ютуқлар билан кифояланиб қолмаяпти, албатта. Ривожланиш, янгиланиш жараёнларини тумanning бошқа ҳудудларида дадил давом эттиришга киришган. Кишлоқ хўжалиғи, саноат, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Одамлар тадбиркорликни йўлга қўймай, махсулотни ўзи ишлаб-чиқармай, янги корхона, иш ўринлари ташкил этмай қўзланган мақсадга етиб бўлмаслигини яққол сезмоқда.



► Туманда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

мақсадида 13,08 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 1000 кВтли қуёш панеллари ва 50 дона артезиан қудугини қазиш ишлари белгиланган. “Гўзал” МФЙ ҳудудида жойлашган Марказий истироҳат боғини замонавий қўринишга келтириш ҳамда савдо ва сервис хизматлари объектларини ташкил этиш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағлар эвазига 1 километр йўл, 100 дона тунги ёритиш чироғи, 1 дона сув иншооти ҳамда қуввати 250 кВтАли 1 дона трансформатор пункти барпо этилмоқда. Туман марказига келувчи автомобиль йўли бўйида тадбиркорлик субъектлари ва йўл бўйи хизматларини ташкил этиш учун ҳудудни зарур инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 211 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ушбу маблағлар эвазига 11 километр йўл тўлиқ реконструкция қилинади. 2026 йилда ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун ажратилган маблағлар эвазига 4, 15, 54, 67, 75-мактаблар реконструкция қилиниб, 25-мактаб мукамал таъмирланади. Қиқровул, Вали, Янгиравот, Мирзаовул оилавий шифокорлик пунктларини ҳам мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, Ал-Бухорий мажмуаси ҳудудини айланиб ўтиш учун 4,6 километр янги автомобиль йўлини қуриш, “Пай” каналининг 14,8 километр қисmini тўлиқ реконструкция қилиш, “Қаландар” коллекторининг 1,4 километр қисmini ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғига айлантириш ҳамда “Янги тўққиз” коллекторининг 1,3 километр қисmini бетонлаштириш кўзда тутилган. Булардан ташқари, Пайариқ туманига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман” мақомини бериш лойиҳаси доирасида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқилгани диққатга сазовар. Ушбу лойиҳа доирасида 2 та – Ўзбекистон ва Чоштепа маҳалалари танланган. Ҳозирда инфратузилмани яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган юмушлар белгиланиб, ишлар бошлаб юборилган. Юқорида белгиланган бунёдкорлик ишларини тўлиқ амалга оширсак, туманимиз янада кўркам қиёфага кириб, аҳоли фаровонлиғи ҳам таъминланади.

Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги илк гидротўплаш электр станциялари барпо этилади

▼ Ўзбекистонда барпо этиладиган ГТЭС лойиҳаси.



Ўзбекистон Марказий Осиёда ГТЭС қурилишини бошлаган биринчи давлатга айланмоқда. Марказий Осиёда илк бор Ўзбекистонда гидротўплаш электр станцияларини қуриш бўйича амалий ишлар бошлангани мамлакат энергетика тизимида мутлақо янги босқични бошлаб берапти.

Хўлқар ЖЎРАЕВА,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Бугунги кунда жаҳон энергетикасида туб ўзгаришлар кечмоқда. Анъанавий энергия манбалари ўрнини босқичма-босқич қайта тикланувчи энергия манбалари – қуёш ва шамол энергетикаси эгаллаб бормоқда. Бироқ мазкур манбаларнинг асосий муаммоси уларнинг доимий эмаслиги билан боғлиқ. Қуёш кечаси энергия ишлаб чиқармайди, шамол эса доимий эсмайди. Шу боис, энергияни сақлаш ва электр тармоғини барқарор бошқариш масаласи дунё энергетикасининг энг долзарб йўналишларидан бирига айланди.

Айнан шундай шароитда гидротўплаш электр станциялари замонавий энергетика тизимининг стратегик элементи сифатида майдонга чиқмоқда. Гидротўплаш электр станциялари электр энергиясини сақлаш ва юкламани бошқариш учун хизмат қилувчи муҳим энергетик иншоот ҳисобланади. У одатда икки сув омборидан – юқори ва пастки ҳавзадан ташкил топади. Электр энергияси ортиқча бўлган вақтда насослар ёрдамида сув пастки ҳавзадан юқори ҳавзага чиқарилади. Электр энергиясига талаб ортиб, юклама юқори бўлган вақтда эса сув юқори ҳавзадан қайта пастга туширилиб, турбиналар орқали электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу сабабли, ГТЭСлар “табiiй аккумулятор”

деб ҳам аталади. Оддий гидроэлектр станциялардан фарқли равишда, гидротўплаш станциялари нафақат энергия ишлаб чиқаради, балки уни сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Бугунги кунда энергетика тармоғида ростловчи қувватларни яратишда ГТЭСларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки қайта тикланувчи энергия манбалари улуши ортиб бораётган шароитда энергия тизимида барқарорлиқни таъминлаш, юкламаларни тенглаштириш ва авария хавфини камайтириш долзарб вазифага айланмоқда. ГТЭСлар қисқа вақт ичида ишга тушиш имкониятига эга бўлиб, электр тармоғидаги частота тебранишларини барқарорлаштиради, ортиқча энергияни сақлайди ва талаб юқори бўлган вақтда тизимга қайта узатади. Бу эса, электр таъминоти ишончилигини оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, келажақда

қайта тикланувчи энергия манбалари улуши қанчалик юқори бўлса, энергетика тизимида энергия сақлаш технологияларига бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик ортиб боради. Шу нуктаи назардан қараганда, ГТЭСлар келажақ энергетикасининг асосий устунларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Гидротўплаш электр станцияларининг яна бир афзаллиги – уларнинг қайта тикланувчи энергетика билан узвий боғлиқлигидир. Қуёш ва шамол станцияларида ортиқча ҳосил бўлган энергияни сақлаб қолиш имконияти айнан ГТЭСлар орқали таъминланади. Бу эса, “яшил энергетика”ни кенг ривожлантириш учун муҳим омиддир. Шу билан бирга, ГТЭСлар экологик жиҳатдан нисбатан тоза технологиялар сирасига киради. Уларда ёқилиш ёқилмайди, атмосферага CO₂ чиқиндиси кам чиқади. Бундай



Кармана туманидаги “Сардоба” МФЙ янги қиёфага кирапти.

“Сардоба” МФЙ замонавий қиёфага кирмоқда

2025 йил 8 октябрдаги Президентимизнинг ПҚ-298-сонли қарори асосида республикамизнинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” лойиҳаси амалиётга жорий этилди. Мазкур ташаббус доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги туманларда намунавий маҳаллаларни шакллантириш, уларда замонавий шаҳар муҳити ва қулай яшаш шароитларини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

Темурбек ТУРОВОВ,
журналист.

Ана шундай маҳаллалардан бири сифатида Кармана туманидаги “Сардоба” МФЙ танлаб олинди, бугунги кунда ҳудудни мутлақо янги қиёфага олиб кириш мақсадида изчил бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллага таширф буюрган ҳар бир инсон бу ерда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни яққол ҳис этади. Айни пайтда ҳудуднинг деярли барча нукталарида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Бир томонда ички йўллар таъмирланиб, пиёдалар йўлаклари ва велойўлаклар барпо этилаётган бўлса, яна бир томонда эскирган маъмурий ҳамда ижтимоий объектлар ўрнида замонавий ва кўркем бинолар қад ростламоқда. Маҳалланинг марказий қисмида асосий кириш қисми ва стела бунёд этилиб, сайилгоҳ йўли – бўльвар ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса, ҳудуднинг меъморий қиёфасини жозибadorлигини оширишга хизмат қилапти.

Шунингдек, маҳаллада болалар ўйингоҳи, маданият биноси, турар жой бинолари, бозорча ва почта биноси, “Нуронийлар маскани”, “Сардоба” МФЙ биноси, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти, савдо ва машиш хизмат кўрсатиш биноси, спорт майдончаси, болалар богчаси ҳамда мактаб биноси каби муҳим ижтимоий объектлар қайтадан барпо этилиб ёки мукаммал таъмирланмоқда.

Худудда олиб борилаётган ишларнинг яна бир муҳим жиҳати – бунёдкорликлар жараёнида “яшил тамойиллар”га алоҳида эътибор қаратилаётганидир. Аҳоли уй-жойлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари энергиятежамкор ва замонавий стандартлар асосида қурилмоқда. Ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти тизимларида ресурс тежовчи инфратузилмани ривожлантириш ишлари ҳам босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Айниқса, ободонлаштириш ишлари кенг қўламда олиб борилиб, яшил ҳудудлар ва хиёбонлар майдони кенгайтирилаётгани бугунги кун талабидан келиб чиқиб, айни мuddоа бўлмоқда. Аҳоли гавжум масканлар обод этилиб, замонавий автотураргоҳ ва бекатлар ташкил қилинмоқда.

Энг муҳими, бу ишларнинг барчаси маҳаллани нафақат ташқи кўриниш жиҳатидан, балки ижтимоий-иқтисодий томондан ҳам ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, бу бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши эса аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилапти. Шу билан бирга, маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича ҳам аниқ амалий чоралар қурилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Сардоба” МФЙда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепциясининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Замонавий инфратузилма, обод ва файзли кўчалар, яшил ҳудудлар ҳамда қулай яшаш шароитлари ушбу маҳалланинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Ички аудит тадбирлари тизимли ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жонибек ЖЎРАЕВ,
Маданий мерос агентлиги Ички аудит ва молиявий назорат бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига 2026 йилда бюджет маблағларидан фойдаланиш учун жами 251,4 миллиард сўм ажратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

иншоотларнинг хизмат муддати 50–100 йилгача етиши мумкинлиги ҳам уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Техник жиҳатдан қаралганда, гидротўплаш электр станцияларининг қуввати одатда 100 МВтдан 3000 МВтгача бўлади. Энергия айланиш коэффициенти 70–85 фоиз атрофида бўлиб, бу энергия сақлаш технологиялари орасида жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Айрим ГТЭСлар бир неча дақиқада тўлиқ ишга тушиши мумкин. Бу эса авария ҳолатларида бутун электр тармоғини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, ГТЭСлар электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлаб, энергия тизимининг барқарор ишлашини кафолатлайди.

Ўзбекистонда гидроэнергетика улуши умумий электр энергияси ишлаб чиқаришининг тахминан 10–14 фоизини ташкил этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Марказий Осиёда илк бор гидротўплаш электр станцияларини қуриш бўйича пилот лойиҳаларнинг бошлангани стратегик аҳамиятга эга. Бу лойиҳалар нафақат мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлайди, балки келажақда қайта тикланувчи энергетикани кенг интеграция қилиш учун ҳам мустаҳкам асос яратди.

Мухтарам Президентимиз томонидан 2026 йил 1 май куни қабул қилинган “Гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-163-сонли қарор бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қарор гидроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш, соҳани халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ҳамда гидротўплаш технологияларини жорий этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Қарорга мувофиқ, 2032 йилга қадар мамлакатимизда умумий қуввати 1400 МВт бўлган замонавий гидротўплаш электр станцияларини қуриш режалаштирилган. Шунингдек, гидроэнергетика соҳасида қўшимча 3266 МВт янги қувватлар яратиш орқали умумий гидроэнергетика қувватларини 2,4 бараварга ошириш вазифаси белгиланган. Натижада, 2032 йилга келиб Ўзбекистон гидроэнергетика қувватлари 5668 МВтга етказилади. Бу кўрсаткич мамлакатимиз энергетика тизимида гидроэнергетиканинг улуши ва стратегик аҳамияти янада ортиб бораётганини аңглатади.

Шунингдек, Қарорга кўра, мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилик асосида 3 та йirik гидротўплаш электр станцияси қурилади. Хусусан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида қуввати 600 МВт бўлган “Ўжакент”, Жиззах вилояти Форш туманида қуввати 300 МВт бўлган “Айдаркўл” ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманида қуввати

500 МВт бўлган “Каратерен” ГТЭС барпо этилади. Ушбу йirik иншоотларнинг умумий қуввати 1400 МВтни ташкил этади. Бу эса, мамлакатимиз энергетика тизими учун жуда катта ростловчи қувват деганидир. Мазкур ГТЭСлар орқали йилга ўртача 2 миллиард 733,2 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу ҳажм минглаб хонадон, саноат корхоналари ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан мазкур ГТЭСлар бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Қурилиш ишлари 2027 йилда бошланиши режалаштирилган бўлиб, техник-иқтисодий асосномалари тўлиқ шакллантирилган. Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб борилмақда. Қайд этиш лозимки, мазкур ГТЭСларни молиялаштириш жамиятнинг ўз маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади.

Жумладан, Тошкент вилоятида қуриладиган “Ўжакент” ГТЭСининг лойиҳа қиймати тахминан 880 миллион доллар бўлиб, шундан 66 миллион доллар Жамиятнинг ўз маблағлари, 814 миллион доллар эса хорижий инвестициялар ҳисобига қопланади. Жиззах вилоятидаги “Айдаркўл” ГТЭСининг умумий қиймати 300,6 миллион долларни ташкил этади. Унинг 22,5 миллион доллари Жамият маблағлари, 278,1 миллион доллари хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштирилади. Қорақалпоғистон Республикасида қуриладиган “Каратерен” ГТЭСининг лойиҳа қиймати 550,2 миллион доллар бўлиб, 41,3 миллион доллар Жамият маблағлари, 508,9 миллион доллар эса хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади. Мазкур ГТЭСларнинг 2032 йилга қадар тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган.

Энг муҳими, мазкур стратегия доирасида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини тубдан трансформация қилиш назарда тутилмоқда. Жамият босқичма-босқич оддий электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхонадан энергия балансини бошқарувчи, қувватларни ростловчи ва миллий электр тармоғи барқарорлигини таъминловчи замонавий компанияга айлантирилади. Бу эса гидроэнергетиканинг мамлакат иқтисодиёти ва энергетика хавфсизлигидаги стратегик ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Марказий Осиё сув ресурслари ва гидроэнергетик салоҳият бўйича катта имкониятларга эга. Шу билан бирга, минтақада энергия истеъмоли ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса, энергияни сақлаш тизимларида бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Мутахассислар фикрича, келажақда гидротўплаш электр станциялари нафақат электр энергиясини сақлаш, балки минтақавий электр тармоқларини мувофиқлаштириш, энергия хавфсизлигини таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ушбу иш режа ижроси юзасидан ички аудит тадбирларини ўтказиш бўйича объектлар рўйхати шакллантирилиб, белгиланган тартибда текширишлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 4 ойи давомида Маданий мерос агентлиги тизимидаги 5 та ташкилотда ички аудит текширишлари ўтказилди.

Ҳозирда бўлим томонидан бир қатор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлаш;
- масофавий аудитни қўллаган ҳолда, бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш;
- ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш.

оқова сув хизматлари бўйича жами 25 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, 24 та ҳолатда маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Масалан, жорий йилнинг 12 май куни Қарши шаҳар, Равоқ маҳалласида яшовчи ғуқаро Б.Х. ўзи яшаб келаётган маҳалла ҳудудидан ўтувчи оқова сувларни чиқариш қувири (канализация) га ўзбошимчилик билан ўзига тегишли бўлган автомашинадан чиқиндиларни оқиётгаётгани аниқланган эди. Ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан ҳудудий инспекция томонидан маъмурий баённома тузилиб, 2 миллион 60 минг сўм жарима қўлланилди.

Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг ҳулосасига кўра, “Қашқадарё сув таъминоти” АЖга етказилган 4 миллион 198 минг сўм зарарни ҳам тўлайдиган бўлди. Ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, Қашқадарё вилоятидаги ичимлик ва оқова сув тизими сифатини оширишда бир қанча лойиҳалар билан бирга, тизимли камчиликлар ҳам мавжуд. Худудий инспекция эса, бу соҳада фаоллигини оширган ҳолда семинар тренинглр, мониторинглр ва назорат тадбирларини доимий равишда амалга ошириб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз аҳолиси ва меҳмонларидан оқова сув тизимларига оқизилиши мумкин бўлмаган чиқиндиларни ташламасликларини ва фойдаланиш маданиятига амал қилишларини сураб қолган бўлардик. Акс ҳолда, жабрини ҳам ўзимиз тортамыз.

Бухородаги “Олтин арик”

Сув – инсоният цивилизациясининг энг муҳим ҳаётий манбаларидан бири бўлиб, шаҳарлар шаклланиши ва ривожига ҳал қилувчи ўрин тутади. Ҳар бир қадимий масканнинг тақдири, аввало, сув манбалари билан боғлиқ экани тарихий ҳақиқат сифатида тилга олинади. Шу маънода Бухоронинг сув тармоқлари, жумладан, машҳур Шохруд ариғи алоҳида эътирофга лойиқ.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.



Тарихий манбааларда “Руди зар”, “Олтин арик”, “Шаҳар ариғи” каби номлар билан тилга олинган бу қадимий арик Бухоро шаҳарсозлигининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. У Зарафшон дарёсининг бир қисми ва шаҳарнинг энг қадимий қатламларидан тортиб, то ўрта аср шаҳристониғача бўлган ҳудудлар орқали оқиб ўтган. Археологик ва қадимий маълумотларга кўра, у Бухоро марказий рельефида муҳим йўналишга эга бўлган. Муаррих Наршахий Бухоро ва унинг атрофида ўн иккита анҳор бўлганини ёзиб, уларнинг сўнггисини айнан “Руди зар” деб атаган ва шаҳарни сўғорувчи асосий манба сифатида қайд этган. Унинг таъкидлашича, серсув бу дарё халқ томонидан қазиб чиқарилган.

Маълумотларга кўра, арик Бухоро шаклланишидан анча аввал ҳозирги Улугбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Токи Заргарон, Мир Араб мадрасаси, Минораи Калон ҳамда Масжиди Калон ҳудудлари орқали оқиб ўтган. Ариқнинг икки соҳили бўйлаб шаҳар аста-секин ривожланган ва дастлаб уч манзилгоҳ пайдо бўлган.

Бир дарёнинг ўнг соҳилидаги ҳозирги Арк кўрғони, қолган иккитаси эса Пойи Калон ансамбли ва ўрта аср шаҳристони ҳудудларидир. Руди зар суви Қалобод томондан шаҳар ҳудуди-га кириб келган. Бу ерда ёғочдан барпо этилган тўғон тизими мавжуд бўлиб, ёз мавсумида сув кўтарилганда тўғондаги айрим ёғоч тўсиқлар босқичма-босқич очилган. Натижада дарё оқими Пойкентга йўналтирилиб, сув микдори назорат қилинган ҳолда тақсимланган.

Сувнинг асосий йўналиши Қорақўл томонга бурилгани шаҳарни сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган. Шу билан бирга, дарёнинг шаҳар ичидаги кириш-чиқиш нуқталарини бошқариш учун ўша даврда мурраккаб гидротехник қурилмалар тизими яратилган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, дарё шаҳарга Мозори Шариф дарвозаси (ҳозирги Бухоро Юридик техникум атрофи) орқали кириб келган ва Талипоч дарвозаси (ҳозирги Бухоро савдо мажмуаси яқинидаги девор қисми) орқали чиқиб кетган.

Бу маълумотлар Шохруднинг қадимги Бухоро марказини шарқдан ғарбга қараб кесиб ўтганини ва унинг шаҳар ҳаётида муҳим гидрографик роль ўйнаганини кўрсатади. Шу тарика асрлар давомида Шохруд Бухоро аҳолисининг ҳаёт тарзида марказий ўрин тутган. Ундан экинзорлар сугорилган, ҳовузлар тўлдирилган, тегирмонлар ҳаракатга келтирилган. Экинзор ва боғларни сув босиши хавфини бартараф этиш учун Руди зардан 12 та йирик шаҳар ариғи ажралиб чиққан. Улардан бири Бухоро Арки атрофидаги хандакни сув билан тўлдириб турган. Шохруд ва ундан ажралиб чиқадиган бошқа ариқларнинг икки томонига пишиқ гишт ва харсангтошлар ётқизилган. Уларнинг айримлари устида кўприклар ҳам бўлган.

Шу билан бирга, у шаҳар иқлимини муътадиллаштириш имконини берган. Юқори даражадаги иссиқ ҳавода ҳам нисбатан салқин муҳит ҳосил қилган. Бу эса Бухоронинг табиий-экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бироқ вақт ўтиши билан, айниқса, Зарафшон сувларининг бошқа йўналишларга кўпроқ тақсимланиши оқибатида, ариқнинг сув режими ўзгарган. Унинг тубида лойқа қатламлар тўплана бошлаган. Кейинчалик, XX асрнинг иккинчи ярмида уни қайта тиклаш ва тозалаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 1970-1975 йилларда кенг қўламли реконструкция жараёни ўтказилган. Ушбу ишлар давомида арик туби чуқур тозаланиб, бетон ва темир-бетон иншоотлар билан мустаҳкамланган. Бир қатор кўприклар қурилган.



Кейинги йилларда ҳам босқичма-босқич таъмирлаш ва янгилаш ишлари давом эттирилиб, каналнинг гидравлик барқарорлиги сақлаб келинмоқда. Шаҳарнинг қадимий обидалари остидан оқиб ўтувчи арик ости 3 метр чуқурликда тозаланиб, XVI аср ҳолатига қайтарилган эди. 150 минг кубометр тупроқ тозалаш ишлари бажарилиб, 4 минг кубометр бетон, 9 минг куб метр темир бетонлар ётқизилган. Шунингдек, канал устида 13 та кўприк қурилган. Ҳозирда канал ости ва устининг кенлиги 2,8 дан 3,2 метргача. 2024 йилда “Сомоний боғи” ҳудудидан ўтувчи ариқнинг барча қисми реконструкция қилинган.

Бугунги кунда Шохруд Бухоронинг тарихий маркази бўйлаб оқар экан, у ҳам муҳандислик иншооти, ҳам маданий мерос намунаси сифатида эътироф этилади. Айниқса, шаҳарнинг энг сергавжум ҳудудларидан бири бўлган Бухоро давлат университети ёнидан ўтувчи қисмида кун давомида талабалар ва ёшларни учратиш мумкин. Демак, бу ҳудудда жонли ижтимоий муҳит мавжуд. Бу билан у табиий равишда маданий ва экологик онгининг шаклланиши учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо айнан шу жойларда ариқнинг мунтазам тозаланишига қарамасдан, инсон омили билан боғлиқ беэътиборлик оқибатида чиқиндилар ташланиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу эса, кўплаб меҳнат ва ресурс сарфланиб амалга оширилган тозалаш ишларининг самарасини пасайтиради. Тарихий муҳитнинг софлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳолатдан аниглаш мумкинки, айрим пайтларда амалий иш бор бўлса-да, ижтимоий масъулият етишмаслиги муаммога айланмоқда. Бу кўриниш тозалик билан чекланиб қолмай, жамиятнинг умумий маданий савияси ва масъулият туйғусини ошириш кераклигини билдиради.

Зеро меросни асраш биргина давлат ёки ҳиммат ташкилотларининг вазифаси эмас, ҳар бир фуқароннинг кундалик маданий бурчи эканини унутмаслик лозим. Шу маънода, Шохруд ариғи атрофидаги муҳитни тоза сақлаш, уни тарихий мерос сифатида қадрлаш ва энг муҳими, келажак авлодга соф ҳолда етказиш ҳар биримизнинг масъулиятимиздир. Зеро сув манбаларига муносабат экологик барқарорлиқни таъминловчи куч ва жамият маданиятини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир.

Ta'lim va tarbiya – jamiyat taraqqiyotining asosi

Nozima ASLANOVA,
Buxoro viloyati
Pedagogik
mahorat markazi
maktabgacha,
boshlang'ich va
maxsus ta'lim
metodikalari kafedras
mudiri, (PhD), dotsent.



Mamlakatimiz rahbari deyarli har bir chiqishida ta'lim va tarbiya sohasiga alohida urg'u beradi. Darhaqiqat, jamiyat taraqqiyotining asosi ta'lim va tarbiyaning sifatiga bog'liq.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev raisligida 2025-yil 9-sentabr kuni maktabgacha ta'lim va maktab ta'limi sohasidagi islohotlar ijrosi hamda kelgusidagi ustuvor vazifalar muvohammasi yuzasidan videoselektor yig'ilishi o'tkazilgan edi. Yig'ilish davomida maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalar qamrovini oshirish, yangi bino, sharoitlar bilan birga bog'cha xodimlarining salohiyati ham shunga yarasha yuqori bo'lishi davlatimiz rahbari tomonidan alohida ta'kidlandi. Chunki Xalqaro baholash dasturlarida yuqori natijadorlikka erishish aynan maktabgacha ta'lim va tarbiyaning sifatiga bog'liq.

Hozirgi kunda maktabgacha ta'limning me'yoriy-huquqiy, tashkiliy-pedagogik hamda ilmiy-amaliy asoslari aynan shu sohada sifat va natijadorlikni ta'minlashga qaratilgan.

Asosiy Qonunimiz, Bola huquqlari Konvensiyasi, Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risidagi qonun, Maktabgacha ta'lim va tarbiyaning Davlat standarti va "Ilk qadam" o'quv dasturi bilan belgilangan bola ta'limi va tarbiyasiga qo'yiladigan talablarni to'laqonli amalga oshirish maqsadida Buxoro viloyati Pedagogik mahorat markazida ham samarali ishlar tashkil etilmog'da.

Xususan, MTT pedagoglarining malakasini oshirish, ularning uzluksiz kasbiy rivojlanishi uchun sharoitlar yaratilmog'da. Markazda tashkil etilayotgan ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarda rivojlangan mamlakatlar tajribasi hamda ilg'or etno-pedagogik amaliyot asosida pedagoglarga "Redgio", "ART texnologiyalari", "Steam", "Kvest", "4 K", "Smart", "Aida", "Tajribadan natijaga" kabi metod, loyiha va texnikalar o'rgatilmog'da.

Bu ishlarining mazmunida faqatgina bir maqsad mujassam. U ham bo'lsa, maktabgacha va boshlang'ich ta'lim pedagoglarida bola ta'limi va rivojlanishini tashkil eta olish mahoratini shakllantirish, rivojlantirish, yuksaltirish hisoblanadi. Chunki har bir bola bu – Yangi O'zbekistonimiz kelajagining munosib vakilidir.

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ

акциядорлари диққатига!

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ Кузатув кенгашининг 2026 йил 21 май куни бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши 2026 йил 15 июнь куни соат 16.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар, Косон тош йўли, 16-уй манзили бўйича жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Умумий йиғилишга келган акциядорлар (уларнинг вакиллари)ни рўйхатга олиш соат 14.00 дан 15.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2026 йил 21 май ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2026 йил 10 июнь.

Кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият бошқаруви раисининг 2025 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти натижалари, бизнес-режа ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.

5. 2025 йил якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2025 якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг 2025 йил молия-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини аудит миллий стандартлари ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудиторлик текшируви аудиторлик хулосаларини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги мустақил аудитор ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.

9. Ижроия органининг 2026 йилда аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларини мустақил амалга ошириш учун жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаштириш.

10. “Qashqadaryo TT” AJнинг 2026 йил молия-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, СМК ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил аудит ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш.

11. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Жамият ижро органи тўғриси-

да”ги ички низомларини янги тахрирда тасдиқлаш.

13. Ўтган йиллар давомида жамиятда солиқ пенясига ҳисобланган харажат маблағларини қонунларда белгиланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб йўналтириш ҳамда муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахсни раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар йиғилиш материаллари билан танишиш учун 09.00 дан 16.00 га қадар жамият Қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Косон тош йўли, 16-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: qashtt_aj@umail.uz

Батафсил маълумот учун алоқа телефони: +99899-545-53-58.

“Qashqadaryo TT” AJ ижроия органи.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 23-25 май саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчи **Гулбахор Мирзаева**, Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш қидаларида риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Мансур Маматов**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Молия-иқтисод бўлими етакчи мутахассиси **Камола Мамажоновна**, Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича етакчи мутахассис **Яшнаербек Муллодильяев**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” иш юр-тувчиси **Дилдора Юнусова**,

“Qishloqqurilishlohiya” ДМ ҳудудий филиаллар бўйича бош директор ўринбосари **Афзал Шокиров**,

“Узоғирсаноатлоийҳа” АЖ ИЛСК ўринбосари **Дилшод Тошпўлатов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бош юрисконсулти **Салават Сапарбаев**, раҳбар

котиби **Саяра Толибаева**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Аман Курбанов**,

Андижон вилояти Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Жалолиддин Манасов**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Иссиқлик таъминоти тизимларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи **Ринат Алистратов**, “Бухоро” филиали 2-қозонхона устаси **Анвар Ҳамроев**, “Қашқадарё” филиали Меҳнат, техника хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассиси **Маллатош Ҳайдаров**, “Самарқанд” филиали қоровули **Камил Казимов**, Иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи чилангар **Назар Қурбонов**, ҳайдовчи **Ғайрат Солиев**, “Навоий” филиали иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Шерали Очиллов**, “Зарафшон” филиали ахборот технологиялари мутахассиси **Ўлмасбек Эркинов**, қозонхона операторлари **Айкен Кушкинбаева**, **Севинч Ҳусанова**, электрогазпайвандчи **Ахмед Нусратов**, Тошкент вилояти “Ангрен” филиали иссиқлик тармоқларини таъмирлаш чилангари

Абдуназар Холбоев, “Чирчиқ” филиали ИТП чилангари **Баҳодир Нигметов**, оператор **Малика Эгамкулова**, Қибрай тумани филиали назоратчи-ҳисобга олувчиси **Феруза Бадалова**, электрогазпайвандчи **Маҳаммадйёр Раупов**, “Пискент” филиали Поликлиника қозонхонаси қоровули **Неғмат Юсупов**, “Зангиота” филиали иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Сафдулла Сағдуллаев**, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги “Angren City Central Service” БСК МЧЖ бош директори **Татъяна Лехнер**, Хоразм вилояти Ургач шаҳридаги “Мақалдас маскан ПБК” МЧЖ бош директори **Бобуржон Султанов**, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Uchtera Farovon” БСК МЧЖ бош директори **Гульнора Алиева**, Шайхонтоҳур тумани “Лабзак Сити сервис” БСК МЧЖ бош директори **Нуриддин Муҳиддинов**, Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги “Glinka-14-kommunal” УЖМШ бош раҳбари **Алишер Умироқов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Ҳидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи – Ақмал Маҳмамов
Муассиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланади.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎЗАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорантЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 541.

1368 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.